

ИНГЛИЗ, ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛЛАРИДА ЛИНГВИСТИК ТЕРМИНЛАР ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Кошанова Сахибжамал Бахытбаевна

Қорақалпоқ Давлат Университети докторанти

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15689267>

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги лингвистик терминларнинг шаклланиш жараёни, тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилади. Мазкур тиллар ўртасидаги изоморфик ва алломорфик хусусиятлар амалий мисоллар орқали ёритиб берилади. Лингвистик терминларнинг ички имкониятлар, типологик хусусиятлар, тарихий-этимологик ва лингвокултурологик омиллар асосида шаклланиши таҳлил этилади. Мақолада терминларнинг таржима қилиш муаммолари ва уларнинг тилшунослик соҳасидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар. Лингвистик терминлар, инглиз тили, ўзбек тили, қорақалпоқ тили, терминология, термин ҳосил қилиш, изоморфик хусусиятлар, алломорфик хусусиятлар.

Турли тизимли тилларда лингвистик терминларнинг шаклланиш жараёни ва хусусиятларида ҳам умумийлик, ҳам ўзига хос жиҳатлар мавжудлигидан келиб чиқиб, ушбу тезисда инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги тилшунослик терминларининг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Шунингдек, соҳавий терминларнинг илмий-назарий жиҳатдан таҳлили амалга оширилиб, мазкур тиллар ўртасидаги изоморфик ва алломорфик хусусиятлари амалий мисоллар орқали ёритиб берилади.

Тилшунослик фанининг ривожланиши билан бир қаторда унга оид махсус лексик бирликлар, хусусан, лингвистик терминлар ҳам тез суръатларда бойиб бормоқда. Ҳар бир тилда лингвистик терминлар ўша тилнинг ички имкониятлари (интралингвистик) асосида, типологик хусусиятлари, тарихий - этимологик ва лингвокултурологик омиллар асосида шаклланади. Инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги лингвистик терминологик бирликларни ўзаро чоғиштириш, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини ўрганиш, шунингдек, термин ҳосил қилиш ва таржима қилиш жараёнларида юзага келадиган муаммоларни атрофлича таҳлил этиш тилшунослик соҳасида муҳим вазифалардан биридир.

Тилшунослик соҳасида қўлланадиган махсус терминлар чоғиштирилаётган инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида алоҳида лексик сатҳни ташкил қилади. Терминология соҳасига оид манбаларни ўрганиш натижасида англаш мумкинлики, термин тушунчаси қайси соҳада қўлланишидан қатъий назар ўзига хос белгиларга ҳамда ўзига хос хусусиятларга эга. У маълум бир соҳадаги тушунча, воқелик ёки предметни аниқ ва муайян ифодалайдиган,

бир маънода бўлишга “интилувчи” махсус сўз ёки сўз бирикмаси ҳисобланади. Зотан, терминларсиз илмий матнни ёки илмий адабиётларни тўғри тушуниш ва чуқур ўрганиш деярли имконсиздир. Масалан, “**affix**”, “**inflection**”, “**derivation**” каби терминларни мазмун-моҳиятини аниқ тушуниш морфология бўлимидаги муҳим назарий масалаларни тўғри талқин этишга ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қайд этишимиз мумкинки, терминлар одатда умумхалқ лексикаси таркибида эмас, балки муайян илм-фан ёки техника, лингвистика каби соҳалар доирасида қўлланилади ва шу соҳалар терминологик тизимини ташкил этади. Шу маънода, лингвистик терминлар тилшунослик лексикасининг муайян сатҳлари ва бирликларига оид тушунчаларни ифодалайдиган терминлар тилимизнинг илмий-филологик услубига хос алоҳида лексик қатламидир, десак ўринли бўлади. Улар кенг жамоатчиликка эмас, асосан тилшунос олимлар, мутахассислар, филологлар томонидан илмий матнларда ишлатилади ва одатда аниқ ва конкрет таърифга эга бўлади. Турли тизимли тилларда лингвистик терминлар тилнинг иерархик сатҳига мувофиқ қуйидагича таснифланади:

Фонетик терминлар - phoneme, allophone, stress;

Морфологик терминлар - morpheme, affix, inflection;

Синтактик терминлар - clause, phrase, predicate;

Лексик терминлар - synonymy, antonymy, collocation;

Стилистик терминлар - register, style, figurative language.

Лингвистик терминлар – бу тилшунослик фанининг асосий лисоний категориялари, тушунчалари ва жараёнларини аниқ ва конкрет тарзда ифодаловчи махсус сўз ва сўз бирикмалари ҳисобланади. Уларнинг ўзгармаслиги, аниқлиги ва ифодадаги бир маънолилиги каби хусусиятлари уларни умумий лексикадан ажратиб туради. Бугунги кунга қадар бир қатор олимлар бу хусусиятларни атрофлича ўрганиб, уларнинг назарий асосларини ёритиб беришга ҳаракат қилишган. Хусусан, рус тилшунос олими В.В. Виноградов ўзининг асарларида терминологиянинг систем-структур хусусиятга эга эканлигини урғулаган ҳолда терминларнинг бир маънони ташувчи лисоний бирлик эканини эътироф этади. Унга кўра: “Ҳар бир фан соҳасининг терминлари ўзаро узвий боғлиқ тарзда тузилган ва мураккаб иерархик тизимни ташкил этади. Ушбу системани ташкил қилувчи лисоний белгилар (терминлар) кўпмаънолилиги ва услубий бўёқдорликдан ҳолидир” [1, 69]. Шунингдек, француз тилшуноси Ж. Дюбуа мазкур масала хусусида ўз фикрини қуйидагича таъкидлайди: “Терминлар кенг омма учун эмас, балки муайян соҳа

мутахассислари учун мўлжалланган бўлиб, улар маълум соҳадаги маълумотларни аниқ ифода этишга хизмат қилади” [4, 87].

Юқоридаги олимларнинг фикр ва қарашларидан англаш мумкинки, ҳар бир термин муайян тушунчани аниқ ифода этиши ва ўша тушунча семантикасига қатъий ҳамда узвий боғлиқ бўлиши керак. Масалан, тилшунослик соҳасида анча фаол қўлланадиган терминлардан “**морфема**”, “**фонема**”, “**лексема**”, “**деривация**”, “**коннотация**, **денотация**”, “**дискурс**”, “**семантика**” каби терминлар лингвистикада маълум илмий-назарий тушунчаларни ифодалайди ва уларни бошқа маъноларда ишлатиш ноадекват ҳисобланади. Бошқача айтганда, лингвистик терминлар бир-бири билан семантик - функционал ҳамда структур жихатдан ўзаро боғланган бўлади. Шунингдек, тил грамматикасининг таркибий бир қисми сифатида кўриладиган “**морфология**” сатҳи юқори даражадаги тушунча бўлиб, унинг остида “**ўзгаришлар**”, “**қўшимчалар**”, “**флекциялар**” каби қуйи тушунчалар туриши мумкин. Шу маънода айтишимиз мумкинки, лингвистик терминларнинг ихчам ва қисқа шаклда бўлиши терминологиянинг талаблари ва мезонларига жавоб берадиган хусусиятларидан биридир. Ушбу хусусият ҳақида немис олими Р. Вюстер ўз фикрини шундай баён қилади: “**Термин** – бу ортиқча элементларсиз, лўнда, қисқа ва оддий шаклда ифода этилган тушунча бўлиши керак” [5, 112]. Олим ўз фикрини давом эттирар экан, шу нуқтаи назардан терминларнинг қисқалиги ва ихчамлиги уларни ёдда сақлаш ва тадқиқотда самарали қўллаш имконини берувчи ўзига хос хусусият эканига ишора қилади. Масалан, тилшуносликда кенг қўлланадиган “**синтаксис**” термини орқали бутун бир бўлим, яъни грамматиканинг бир тармоғи тушунарли бўлади. Ўзбек тилшунослиги терминологияси устида махсус тадқиқот олиб борган И.Эрматовнинг қайд этишича: “Грамматиканинг таркибий қисми ҳисобланган **синтаксис** ўзига хос терминларга эга бўлган. Албатта, Фитрат, Элбек ва бошқа олимлар маҳаллий аҳоли фарзандларини маърифатли қилишга ҳамда шу мақсадда ўзбек тили синтаксиси бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишга ҳаракат қилишган. Бу вақтда ўзбек тилшунослигида грамматиканинг айни бўлими бўлган синтаксис термини ҳам йўқ эди. Фитрат томонидан яратилган “**наҳв**” грамматиканинг айни шу қисми номи учун қўлланадиган илк терминлардан бири бўлган” [2, 115]. Дарҳақиқат, истиқлолгача бўлган даврда ўзбек тилига лингвистик терминлар асосан воситачи тил ҳисобланган рус тили орқали ўзлаштирилган. Хусусан, собиқ шўролар даврида таржима қилинган дарсликлар ва илмий манбалар орқали кўпгина соҳавий терминлар миллий

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERI

VI ilimiy maqalalar toplami

тилимизга кириб келган. Жумладан: “фонема”, “морфема”, “лексема”, “парадигма”, “синтагма”, “этимология”, “конверсия” сингари лингвистик терминлар шу жараён маҳсулидир. Ваҳоланки, дунёда соф тилни ўзи мавжуд эмас, тил очик система эканлигини эътироф этган ҳолда айтишимиз мумкинки, у даврлар силсиласида, глобаллашув, илм-фан, техника ва технологияларнинг динамик ривожланиши натижасида ўзгариб ва такомиллашиб боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, собиқ иттифоқ ва замонавий ўзбек тилшунослик мактаблари вакилларида Ж.Юлдашев ва Д.М. Саидова каби олимлар ўз тадқиқотларида лингвистик терминларнинг меъёрлашган ва стандартлашган бўлиши зарурлиги ҳақида фикр юритишган. Ж.Юлдашев ва Д.М. Саидованинг фикрига кўра: “Ҳар қандай фан соҳаларида терминларнинг мустаҳкамлашуви ва ягона маъно ташувчи лексик бирлик сифатида тартибга солиниши фандаги англашилмовчиликка барҳам беради ва илмий таҳлилда яхлитликни таъминлайди” [3, 98]. Ушбу фикрлар натижасида шундай мулоҳаза келиб чиқадики, тилшуносликда лексик ва семантик жиҳатдан янгидан-янги терминларни қабул қилишда миллий тил меъёрларига, фонетик ва морфологик хусусиятларига мослаштириш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, терминология соҳасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳар бир тилда лингвистик терминлар ўша тилнинг ички имкониятлари ва тарихий-этимологик омиллари асосида шаклланади. Тилшунослик фанининг ривожланиши жараёнида терминларнинг аниқ ва яхлит бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, ушбу мақолада тилшунослик фанининг терминологик асослари ёритилди ва турли тизимли тиллардаги лингвистик терминларни меъёрлаштиришнинг илмий-назарий асослари таҳлил қилинди. Терминологияда аниқлик ва ягона маънога эга бўлиш зарурлиги лингвистик таҳлил самарадорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири эканлиги исботланди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Виноградов В.В. Лингвистические основы учения о терминах. - М.: Наука. 1987.- С.-135.
2. Эрматов И. Ўзбек тилшунослик терминологияси. Монография. Тошкент. 2021.Б.-13.
3. Юлдашев Ж., Садова Д.М. Ўзбек тилида соҳавий терминологиянинг лексик-семантик хусусиятлари. Тошкент: 2018. ТДПУ. Б.-87.
4. Dubois, J. Dictionnaire de linguistique. Paris: 1982. Larousse.
5. Wüster E. Einführung in die allgemeine Terminologielehre und terminologische Lexikographie. Bonn: Romanistischer Verlag. 1987.